# ЎТГАН ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Колхоз аъзоларининг кексалик, инвалидлик ва боқувчисидан маҳрум бўлган ҳоллардаги пенсиялари энг кам миқдори оширилди. Ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилаларига бундан 10 йилдан ҳам аввал ойига 60 сўмгача миқдорда тайинланган пенсиялар кўпайтирилиб, уларнинг даражаси ҳозирги вақтда шундай касб ва малакадаги ходимларга белгиланувчи пенсиялар миқдорига яқинлаштирилди. Пенсия таъминотини яхшилаш борасида бошқа қўшимча тадбирлар кўрилди.

Давлат ички заёмлари облигацияларининг пули қайтарилди.

Республиканинг меҳнаткашлари омонат кассаларига қўяётган жамғармаларини 7 процентдан кўпроқ оширдилар.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 13,4 миллиард сўм бўлди ва 1984 йилга нисбатан қиёсий нархларда 0,2 миллиард сўм ёки 4,1 процент ортди. Аммо, йиллик чакана товар обороти плани бажарилмади, баъзи озиқ-овқат ва саноат молларига ортиб бораётган талаблар тўла-тўкис қондирилмади.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш чоралари ўтказилмоқда. Алкоголь ичимликлар сотиш июнь — декабрь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46 процент камайди, вино ва арақ маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазинлар сони эса 2,4 баравар камайди.

Аҳолига кўрсатилувчи маиший хизмат ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 процент ортди. Шу билан бирга умуман республикада, шунингдек қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми плани бажарилмади. Маиший хизмат соҳасидаги буюртмаларни бажариш сифати ва муддатлари аҳолини ҳамиша ҳам қондираяпти, деб бўлмайди.

Республикада пул билан таъминлаш барча манбалари ҳисобидан жами (нафли) саҳни 6040 минг квадрат метрга борадиган 85 мингта янги шинам квартира ва якка уй-жойлар қурилди. 590 минг кишининг уй-жой шароитлари яхшиланди.

Атмосфера ҳавосини, сув ресурсларини муҳофаза этиш, ер, ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳимоя этиш, ёввойи ҳайвонлар ва балиқ запасларини тиклаш тадбирлари ўтказилди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Асосий фанлар бўйича мавжуд программа ва дарсликлар такомиллаштирилмоқда. Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси, уларга касб ўргатиш яхшиланмоқда. Шу ўқув йилида базавий корхоналар ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнати учун 48,6 мингта иш ўрнини жиҳозлади.

6,6 миллион киши турли хил таълимга жалб этилди, шулардан 4,4 миллион киши умумий таълим мактабларида, 300 минг киши ҳунар-техника ўқув юртларида, 281,7 минг киши ўрта махсус ўқув юртларида, 285,5 минг киши олий ўқув юртларида таълим олди.

1985 йилда 130 минг мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 48,9 минг мутахассис ва ўрта махсус маълумотли 81,1 минг мутахассис тайёрланди.

Ўтган йилнинг охирида 1343 минг киши олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотли эди.

Аҳолига медицина хизмати такомиллаштирилди. Физкультура ва спорт янада ривож топди.

1986 йил 1 январда Ўзбекистон ССР аҳолиси 18,5 миллион киши бўлди.

* * *

Ўтган йил ўн биринчи беш йилликни якунлади. 1981—1985 йилларда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш чоғида халқ фаровонлигини юксалтириш, экономика барча тармоқларини ўстиришда яна бир катта қадам қўйилди. Меҳнат коллективлари 1986 йил — ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили плани бажарилишини таъминлаш, республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш борасидаги ишларни кучайтириб юбордилар.

(ЎзТАГ).

*БУ ҲАҚДА ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ГАПИРИЛДИ*

# БУ КИМГА ҚУЛАЙ?

Ишнинг боши — интизом. Интизом бор жойда иш унумли, маҳсулот сифатли бўлади. Шу жиҳатдан кейинги йилларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳамма соҳада кўрилган тадбирлар айни муддао бўлди.

Меҳнаткашларга, айниқса, савдо, маиший хизмат ва бошқа хизмат кўрсатиш муассасаларидаги иш режими ўзгартирилганлиги маъқул тушди. Уларнинг иш режими меҳнаткашлар учун қулай вақтларга кўчирилди. Масалан, деярли барча маиший хизмат корхоналари якшанба кунлари ҳам ишлайдиган бўлди.

Бироқ кейинги пайтда кўп маиший хизмат ва савдо корхоналарининг иш режими «асли ҳолига» яъни, аҳоли учун қулай вақтга эмас, балки хизмат кўрсатувчиларнинг ўзларига қулай вақтларга қайтибди. Яқинда шаҳар марказида Марказий универмаг яқинида жойлашган 4-модалар ательесига шим тиктириш учун бордим. Якшанба куни эди. Эшикдан кираверишда «Ателье дам олиш кунисиз ишлайди» деб ёзиб қўйилибди. Аммо бу ёзув фақат аёллар кийими тикиладиган участкага тегишли экан. Шим тикиладиган иккинчи қаватдаги участка эса соат 10 дан 19 гача ишлар, якшанба ва душанба дам олиш кунлари экан. Лекин бу ҳақда ҳеч қаерда билдириш ёзилмаган. Ахир буни билдириб бўладими?

Кайфиятим бузилди. Чунки мен заводда ҳар куни соат 18 гача ишлайман, ювиниб-кийиниб чиққунча ярим соат кетади. Агар трамвай вақтида келса эски шаҳардан марказгача зўрға соат 19 да етиб келаман. Албатта, бу пайтда ательеда ҳеч ким буюртма олмайди. Заводимиз ишчи-хизматчиларининг дам олиш куни эса ателье ҳам дам олади.

Шундай қилиб кайфиятим бузилганча қўлимдаги ўроғлик плашчни топшириш учун шундоқ ателье ёнидаги «Химчистка»га ўтдим. Бироқ, у ҳам якшанба куни ишламас экан. Оддий кунлардаги иш соати эса 10 дан 19 гача.

Қизиқ, булар кимлар учун хизмат қилади ўзи! Ахир жуда кўп идора ва ташкилотлар ходимлари худди шу вақтда ўз иш жойларида бўлишади-ку. Демак, 4-ателье ёки «Химчистка»га фақат иш вақтида — меҳнат интизомини бузибгина бориш мумкин.

Мен иккитагина мисол келтирдим, холос. Аслида, шаҳримизда бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Оҳистагина, «ими-жимида» иш режимини ўзига қулайлаштириб олган бундай муассасалар фаолиятини қайта кўриб чиқиш керак. Область партия конференциясида «Баъзи жойларда КПСС Марказий Комитети билан совет ҳукуматининг интизом ва тартибни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорларини бажаришда анчагина бўшашувчанликка, муросасозликка йўл қўйилмоқда» деб жуда тўғри таъкидланди.

**М. МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги тажриба-механика заводининг мастери.**

*ГАЗЕТХОН СИФАТ ҲАҚИДА*

# КЎРИМСИЗ, ТАЪМСИЗ...

**Газетамизда «Газетхон сифат ҳақида» рубрикаси очилди. Газетхонлар таклифи билан очилган бу рубрика остида меҳнаткашларнинг саноат корхоналарида тайёрланаётган кенг истеъмол молларининг сифати ҳақида фикр-мулоҳазалари бериб борилади. Бугун шундай рубрика остида дастлабки хабарни босаяпмиз.**

Кенг истеъмол маҳсулотларининг сифати ҳақидаги масала область XXII партия конференциясида жуда кескин қилиб қўйилди. Корхона раҳбарларига баҳо беришнинг мезони тайёрланаётган маҳсулот сифати бўлиб қолиши керак, деган фикр айтилди. Мен уни тўла қўллаб-қувватлайман.

Областимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ҳамма ширинликлар сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмаяпти. Меҳнаткашлар уларни ҳар доим ҳам севиб харид қилмайдилар. Аксинча қардош республикалар кондитер корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотларни эса кўпинча бажонидил сотиб оламиз. Бунинг сабаби шундаки, РСФСР, Украина ёки Белоруссия шаҳарларида ишлаб чиқарилган ширинликлар таъми бизнинг «Ўртоқ» фабрикаси ёки «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланганига нисбатан яхши бўлади. Буни очиқ эътироф этиш керак.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса ширинликлар ўралган қоғоз ҳақида. Бизнинг корхоналаримизда тайёрланаётган, ҳатто қимматбаҳо ширинликларнинг ҳам қоғози кўп ҳолларда эътиборни тортмайдиган, кўримсиз, безаксиз, рангсиз бўлади. Бунинг устига яқинда яна бир нуқсон — шоколадли конфетлар қоғозларини тежаш каби «одат» чиқиб қолди. Тартибга мувофиқ бундай ширинликлар икки қават қоғозга ўралиши керак. Ички қоғоз конфетларни ташқи муҳит таъсиридан бирмунча сақлайди. Конфетлар эриганда шираси устки қоғозига уриб кетмайди. Лекин «Ўртоқ» кондитер фабрикаси раҳбарлари шундай қоғозларни тежашяпти. Кейинги вақтларда бу ерда ишлаб чиқарилаётган конфетлар фақат бир қават қоғозга ўралмоқда. Бу ишлаб чиқариш маданиятининг пастлигини кўрсатувчи бир далилдир.

Областимиздаги кондитер корхоналари раҳбарлари фикр - мулоҳазаларимизни инобатга олишади, деган умиддамиз.

**З. АЪЗАМОВ,**
**пенсионер.**



● РАИСА МИХАЙЛОВНА МИРЗАЕВА Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида 20 йилдан бери меҳнат қилмоқда. Ўз касбини пухта эгаллаган моҳир тўқувчи ўнлаб шогирдларга устозлик қилди. Унинг таълимини олган ёшлар корхонанинг барча цехларида фидокорона ишламоқдалар. Донгдор ишчи ўн иккинчи беш йилликда бир йўла 6 та тўқув машинасида ишлашга ўтди. Бу нормадагидан икки баравар кўпдир.

В. Сироткин фотоси.

# ҲАЛ ҚИЛИНМАГАН МУАММОЛАР КЎП

**ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ МЕДИЦИНА СОВЕТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИДАН.**

Область соғлиқни сақлаш бўлими медицина советининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Шаҳар ва районлар ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, даволаш муассасалари раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари иштирок этган бу кенгашда область соғлиқни сақлаш органлари ва даволаш муассасаларининг 1985 йилдаги ишларининг якуни ҳамда Тошкент область XXII партия конференцияси қарорлари асосида медицина ходимлари олдида турган янги вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилиш қатнашчилари ўтган йили область соғлиқни сақлаш тармоқларида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ва беморларни дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш бўйича бирмунча тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Даволаш муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. Соғлиқни сақлаш системасининг бюджети 1984 йилдагидан 2,6 миллион сўм кўпроқни, яъни 83,6 миллион сўмни ташкил этди.

Молиявий маблағлар билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 370 ўринли 5 та касалхона, смена давомида бир йўла 610 кишини қабул қила оладиган 2 та поликлиника, Тошкент районида эса каттагина сут таомлар ошхонаси фойдаланишга топширилди. Областда наркологик диспансерлар, қишлоқ медицина амбулаториялари, қатор фельдшерлик-акушерлик пунктлари ҳам ташкил этилди. Улар замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Йиғилишда асосий эътибор юз бераётган камчилик-нуқсонлар, уларни келтириб чиқараётган сабабларга қаратилди. Ҳал қилинмаётган қатор муаммолар кўрсатиб ўтилди, медицина муассасалари фаолиятига танқидий ёндошилди. Масалан, даволаш муассасалари учун бинолар қуриш ва ишга туширишдаги сусткашлик ҳамон давом этаётганлиги, мавжуд биноларнинг капитал ремонти ҳамон талабга жавоб бермаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бунинг устига кўпгина районлар ажратилган маблағлардан тўлиқ фойдаланмайдилар. Масалан, Оққўрғон, Ғалаба, Ўрта Чирчиқ районларида соғлиқни сақлаш ишлари учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилмай қолиб кетди.

Областда медицина ходимларининг малакасини ошириш ишлари ҳам ҳозирги талаблардан анча орқада. Шифокорларнинг атиги 17 процентигина малакали врач категориясига эга, холос. Шубҳасиз, бу касалликларни тезда аниқлаш, беморларни вақтида даволашга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда, тезкорлик ва ташкилотчилик етишмайди. Айрим касалхоналарда етарли ғамхўрлик кўрсатилмайди, беморларга ҳатто қўпол муносабатда бўлиш ҳоллари тез-тез учраб турибди.

Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Паркент, Пискент Чиноз, Янгийўл районларида эса аҳолини ёппасига диспансеризациядан ўтказиш қониқарсиз аҳволда. Областнинг баъзи районларида оналик ва болаликни муҳофаза этишнинг аҳамиятига тўғри баҳо берилмайди. Юқумли касалликларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган зарур чоралар тезкорлик билан кўрилмайди, бу борада аниқ, системали иш олиб борилмайди, пала-партишликка йўл қўйилади. Бу эса меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозига, норозилик ва шикоятларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам шикоятлар камайиш ўрнига кўпайди.

Соғлиқни сақлаш органларининг ходимлари область XXII партия конференцияси қарорлари асосида белгилаган тадбирлари орасида ана шу жиддий нуқсонларни тезроқ бартараф этиш асосий ўрин тутади. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш учун барча имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова нутқ сўзлади.

Область соғлиқни сақлаш бўлими медицина советининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов, область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев иштирок этдилар.

# ИСЛОҲОТ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

**ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ ВА ОБЛАСТЬ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ СОВЕТЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН.**

Область халқ маорифчилари партия, совет ташкилотларининг раҳбарлигида ислоҳот талабларини амалга ошириш, ўқув-тарбия самарадорлигини яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. Мактаблар, мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасалари моддий базаси бирмунча мустаҳкамланди. Уларда болаларни 6 ёшдан бошлаб ўқитиш учун шарт-шароитлар яратиш, меҳнат тарбияси ва касб танлашни йўлга қўйишга эътибор кучайтирилди.

Область шаҳар ва район халқ маорифи бўлимларининг бугунги иш услуби ва методларини ҳозирги кун талаблари даражасида деб бўлмайди. Қатор районларда ислоҳот бўйича белгиланган тадбирлар етарли амалга ошмаяпти. Пискент район халқ маорифи бўлими эса шу пайтгача бу соҳадаги комплекс планга эга эмас. Халқ маорифи органлари айрим раҳбарларининг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги туфайли юқори ташкилотларга тушаётган шикоятлар сони камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Маориф органларида ўзаро талабчанлик йўқлиги порахўрлик, таъмагирлик каби салбий иллатларга олиб келди. Раҳбар кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишдаги адолатсизлик кўпгина мактабларда ўқув-тарбия сифатига путур етказди. Бу ва шунга ўхшаш жиддий нуқсонлар область партия конференциясида тўғри кўрсатиб ўтилди.

Ўқувчиларда меҳнат тарбиясини шакллантириш ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бўстонлиқ районидаги 2-, Тошкент районидаги 23-, Чиноз районидаги 9-, Ангрендаги 6-, Ўрта Чирчиқ районидаги 1-ўрта мактабларнинг бу борадаги тажрибалари кенг оммалаштирилмаяпти. Мактабгача тарбия муассасалари ишини яхшилаш бўйича ҳам ҳали кўпгина тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Кенгашда сўзга чиққанлар областда халқ маорифини ривожлантириш, ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, мактабда меҳнат тарбиясини талаблар даражасида ташкил этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Область ҳунар-техника бошқармаси ишидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳам рўй-рост гапирилди. Ўтган йили ҳунар-техника билим юртларига 20 минг киши ўқишга қабул қилинди. Халқ хўжалигига 13 минг малакали ишчи тайёрлаб берилди. Лекин бу область халқ хўжалигининг ишчи ўринбосарларига бўлган эҳтиёжини қондиролмаяпти. Айни пайтда айрим билим юртларида ихтисосликларни белгилаш плани қўпол равишда бузилмоқда. Натижада ёшлар ўқишни битиргач, улар эгаллаган ҳунарлари бўйича ишга жойлаша олмаяптилар. Чирчиқдаги 2-, 7-, Олмалиқдаги 8-, 26, Бўка районидаги 21-, 31-, Калинин районидаги 33-ўрта ҳунар-техника билим юртларида ана шундай ҳол содир бўлди. Улар автослесарлар, ошпазлар, секретарь-машинисткалар тайёрлаш бўйича курслар очиб контингент планини осонгина бажардилар-у, аммо ёшларни ишга жойлаштиришни ўйламадилар.

Билим юртлари моддий базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг малакасини ошириш, тарбиявий ишларни кучайтириш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга етарли эътибор берилмаяпти. Бу эса баъзи ҳунар даргоҳларида ўқувчилар интизомининг бузилиши, турли кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келмоқда.

Йиғилишда бундан буён ишчи ўринбосарлари тайёрлашда ихтисосликлар фақат хўжалик ва корхоналар эҳтиёжига қараб планлаштирилиши таъкидланди. Ўқув юртлари моддий базасини мустаҳкамлашда оталиқ ташкилотларининг роли оширилиши керак.

# Халқаро ҳаёт

## СОВЕТ ТАКЛИФЛАРИГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРИЛДИ

БОНН, 27 январь. (ТАСС). Германия социал-демократик партиясининг раиси Вилли Брандт КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотида таърифлаб берилган СССРнинг янги тинчлик ташаббусларига юқори баҳо берди. ДДП агентлигининг мухбири билан суҳбатда В. Брандт СССРнинг қуролсизланиш соҳасида яқинда қилган таклифлари «ғоят катта ташаббусдир», деб айтди. Бу ташаббуслар «салмоқли ва асосли» бўлиб, комплекс мақсадни кўзлайди ва бу ташаббусларга асло қандайдир «пропаганда» деб қарамаслик керак. В. Брандт СССРнинг янги таклифлари муносабати билан Женевадаги Совет — Америка музокаралари янада конкрет тус олади, деб умид билдирди. У кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш, уни янги мазмун билан тўлдириш зарурлигини айтиб, шу билан бирга Европа давлатлари бу жараёнга активроқ ҳисса қўшишлари лозимлигини уқтириб ўтди.

## ҲАРБИЙ БАЗАЛАРГА ҚАРШИ

МАНИЛА, 27 январь. (ТАСС). Ҳарбий базаларга қарши уюшма Филиппин территориясида Америка қуролли кучларининг туришига чек қўйишни талаб этди. Ташкилотнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида Америка ҳарбий кемалари эскадраси, шу жумладан АҚШ 7-флотининг байроқдори бўлмиш «Блюриж» ракета крейсери ва «Мидуэй» авианосеци Филиппин портларига кириши муносабати билан жиддий ташвиш билдирилган. Ҳужжатда ҳарбий куч-қудратнинг бундай намойиши Филиппинда бўлажак президент сайловига тўғрилаб ўтказилаётганлиги равшандир, деб таъкидланади. Бундай ҳаракатлар Қўшма Штатларнинг мамлакатда сайлов кампаниясининг боришига таъсир ўтказиш йўлидаги уринишлари давом этаётганлигидан далолат беради.

## БОСМАЧИЛАР УСТИДАН ҲУКМ

КОБУЛ, 27 январь. (ТАСС). Бу ерда АДР махсус революцион судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Жамияте исломи» аксилинқилобчи тўданинг уч босмачиси иши кўриб чиқилди.

Судланувчилар М. Акбар, А. Басир ва Қудратулла мамлакатнинг бир қанча районларида ҳарбий постларга қуролли ҳужум қилишда, тинч гражданларни ўлдиришда, шунингдек душманлар учун Покистондан Афғонистонга қурол-яроғ олиб ўтишда айбланди.

Суд қурбоши Акбарни олий жазога, Басир билан Қудратуллани қамоқ жазосига ҳукм қилди.

## ТИНЧ АҲОЛИНИ ҚИРМОҚДАЛАР

ГАВАНА, 27 январь. (ТАСС). Сальвадордан олинган хабарларга қараганда, америкапараст Дуарте режимининг авиацияси ва артиллерияси Сальвадор пойтахтидан 24 километр нарида Гуасапа вулқони атрофларидаги тинч қишлоқларни тинимсиз, шиддатли бомбардимон қилиб турибди. Америка инструкторлари зўр бериб ўқитган 4 мингдан кўпроқ қотил 10 январдан буён қўзғолончиларга қарши кураш баҳонаси билан шу райондаги тинч аҳолини қириб ташлашни кўзда тутувчи «Феникс» шартли номи билан аталган операцияни ўтказмоқда.

Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси Дуарте режимидан тинч посёлкаларга ваҳшиёна ҳужумлар дарҳол тўхтатилишини талаб қилди.

## ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 27 январь. (ТАСС). Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Эроннинг учта ҳарбий лагерини бомбардимон қилди, деб хабар қилинади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида. Ироқ артиллерияси фронтнинг марказий участкасида ва Басрадан шарқроқдаги районда душман қўшинлари тўпланган позициялар ва районларга қарата ўт очди. Эроннинг иккита қирувчи-бомбардимончи самолёти Ироқ ҳарбий чегарасига суқилиб киришга уринди, бироқ ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари қарши ўт очганлиги сабабли чекинди.

Ироқнинг узоққа отувчи артиллерияси Мандали шаҳрини ва Биёр қишлоғини ўққа тутди.

НИКОСИЯ, 27 январь. (ТАСС). Эроннинг ИРНА агентлиги Эрон ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Ироқнинг Равандўз шаҳри районидаги ҳарбий лагерини бомбардимон қилганлигини хабар беради. Артиллерия отишмалари фронтнинг бутун линияси бўйлаб олиб борилди. Душманнинг бир қанча артиллерия позициялари бостирилди.

Ироқ артиллерияси Ободон ва Хуррамшаҳр шаҳарларини ўққа тутди.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● САН-МАРИНО. Бу ерда Сан-Марино Компартиясининг 11-съезди ўз ишини якунлади. Съезд қабул қилган якунловчи резолюцияда Женевада бўлиб ўтган олий даражадаги Совет — Америка учрашувига юксак баҳо берилади, ташқи сиёсат соҳасидаги сўнгги совет ташаббусларининг ижобий характери таъкидланади. Американинг космосни ҳарбийлаштириш программасини съезд делегатлари қораладилар, чунки, резолюцияда таъкидланишича, бу программа қуролланиш пойгасини сифат жиҳатидан янги, хавфли босқичга олиб чиқади.

Эрменежильдо Гаспероня яна Компартиянинг фахрий раиси этиб сайланди. Бош секретарликка Жильберто Гъотти сайланди.

● ТОКИО. Ядро қуролини тугатишга қаратилган янги совет таклифлари ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, деди Япония Компартияси Марказий Комитетининг раиси Миямото «Акахата» газетаси саволларига қайтарган жавобларида. У Совет Иттифоқи ядро қуролини тугатишни ҳозирги замоннинг энг асосий вазифаси сифатида конкрет асосга қўйганлигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Қўшма Штатлар «самовий урушлар» программасини амалга оширишига йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисидаги баёноти ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ядро қуролини тугатиш ўзаро боғлиқ бўлган ягона жараёндир, деди Япония коммунистларининг раҳбари.

● НАЙРОБИ. Уганда қаршилик кўрсатиш миллий армияси бошлиғи Йовери Мусевени миллатга мурожаат қилиб, мамлакатни бошқариб турган ҳарбий кенгаш тарқатиб юборилганлигини ва «қаршилик кўрсатиш миллий комитети» тузилганлигини эълон қилди. Эндиликда бутун ҳокимият шу комитет қўлида бўлади. Кампалада кўча жанглари бошланганлиги муносабати билан икки кунлик танаффусдан сўнг яна эшиттиришни бошлаган Уганда радиоси шу ҳақда хабар берди. Мусевени бошқа сиёсий гуруҳлар билан маслаҳатлашувдан сўнг Уганданинг янги ҳукумати тузилишини хабар қилди. У олдинги маъмурларга содиқ қолган аскарлар ва офицерларни қуролларини ташлаб, бутун мамлакат территориясида тинчлик ўрнатилишига ёрдамлашишга чақирди.

● НИКОСИЯ. Эрон жаҳон бозорида ортиқча нефтни камайтиришга эришиш ва нефть нархи тушиб кетишини тўхтатиб қолиш учун нефть қазиб чиқаришни тенг баравар камайтиришга қарор қилди. Бу ҳақда Эрон Министрлар Кенгашининг мажлисида қарор қабул қилинди, деб хабар берди ИРНА расмий ахборот агентлиги. Мажлисда сўзга чиққан бош министр Ҳусайн Мусави нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотига аъзо бўлган бошқа давлатларни Эрондан намуна олиб, нефть қазиб чиқаришни камайтиришга чақирди. **(ТАСС, 27 январь).**

